ХОРИЖИЙ ТИББИЙ УСКУНАЛАР

АНДИЖОН. Японияниг "Нисся Иваи Корпорейши" фирмаси вилоятдаги 3-туғуруқхона, 1-болалар шифохонаси, 7-поликлиникага 439 дона турли хил замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари тақдим этди. Тақдимот маросимида Японияниг Ўзбекистон Республикасидаги Фавкулодда ва мухтор элчиси К. Обата ҳозир бўлди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ.

ЮНИСЕФНИНГ СОВҒАСИ

ТОШКЕНТ."Ўзбекистон газеталари, жумладан "Оила ва жамият" билан ҳамкорлик ўрнатаётганимиздан мамнунмиз, — дейди ЮНИСЕФнинг Ўзбекистон ваколатхонаси раҳбари Ханно Гертнер таҳририят ходимлари билан учрашувда. — Бугун биз тақдим этаётган техника воситалари ана шу ҳамкорликнинг дебочаси, холос. Келгусида газетани зарур дастурлар билан таъминлаш, журналистларнинг касб маҳоратини оширишга кўмаклашиш ниятидамиз.

Ширин РАҲИМБЕРДИЕВА.

НУРЧИЛАР УЙЛАРИ

БУХОРО. Қоровулбозор шаҳрида туман электр тармоқлари корхонаси ишчилари учун барча қулайликларга эга икки қаватли уйлар қад ростлаяпти. Улар "Бухороқурилиш" ҳиссадорлик жамиятининг 8-кўчма механизациялашган фирмаси томонидан қурилмоқда.

— Эрта-индин, — дейди туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари Қодир Жўраев, —ўнта оила янги уйга кўчиб ўтади.

Даврон БАҲРОНОВ.

ФЕСТИВАЛГА ҲОЗИРЛИК

САМАРҚАНД. Шаҳарда ўтказиладиган "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивалига ҳозирлик кўрилмоқда. Уч йўналиш бўйича ўтказиладиган мазкур фестивалда Шарқ халқлари мусиқий меросига алоҳида аҳамият берилади. Ижро этиладиган асарларни баҳолашда миллий хусусият, ўзига хослик асосий мезон бўлади. Ана шу талабга жавоб берадиган асарларни танлашдек масъулиятли вазифа ишчи гуруҳлари зиммасига юклатилган.

Зеро, улар танлаган асарлар фестивалда қатнашиш учун ташкилий қўмитага тавсия этилади.

Умиджон ИРГАШЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 29 апрель, сешанба № 50 (22.134).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

РАСМИЙ ТАШРИФ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Италия Республикаси Президенти Оскар Луиджи Скальфаро шу йил 2-4 май кунлари расмий ташриф билан Ўзбекистон Республикасида бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

ВОЛЬФГАНГ ШРАЙБЕРНИ «ДЎСТЛИК» ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги улкан хизматлари ҳамда Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган демократик янгиланишлар жараёнига, ижтимоий йўналишдаги бозор иқтисодиётини шакллантиришга фаол кўмаги учун Конрад Аденауэр жамғармасининг минтақавий вакили Вольфганг Шрайбер «Дўстлик» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 28 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг таркибига ўзгартишлар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьялари этиб сайлансин:

Рўзиев Обиджон Орифович
Сагатов Асрар Аскарович
Тошқориева Муяссар Юлдашевна.

2. Бошқа ишга ўтиши муносабати билан Собиров Мухторжон Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси вазифасидан озод қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 25 апрель.



ШУНДАЙ БИНО ҚУРГАНЛАРНИНГ УМРИ ЗИЁДА БЎЛСИН!

Рустам ШАРИПОВ олган сурат.

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ *ГФР Президенти Роман Херцог мамлакатда туб ислоҳотлар ўтказишга чақирди.*

* * *

☑ *Европа Иттифоқи зоирлик жангарилар билан қочоқлар тақдири ҳақида музокаралар олиб бормоқда.*

* * *

☑ *Болтиқбўйи мамлакатлари мудофаа вазирларининг фикрига кўра Россия уларнинг НАТОга киришига тўсқинлик қилолмайди.*

* * *

☑ *Россиянинг Узоқ Шарқдаги ҳарбий округи қўрғонларидан биридаги артиллерия омборида ёнғин юз берди.*

* * *

☑ *Россия Бош вазири В. Черномирдин Словакияга расмий ташриф буюриб, бу ерда 10 дан зиёд ҳамкорлик ҳақидаги ҳужжатларни имзоламоқчи.*

* * *

☑ *АҚШнинг бир қатор шаҳарларида «Америка келажаги учун» шиори остида «шанбаликлар» ўтказиш кўзда тутилмоқда.*

* * *

☑ *Шу йилнинг 28-30 апрель кунлари Брюссель шаҳрида иқтисодий ва ижтимоий бирдамлик ва якдиллик муаммоларига бағишланган Европа форуми ўтказилади.*

* * *

☑ *Ироқ ўз вертолётларини Саудия Арабистони чегарасидаги «ман этилган зона»га юбориб, ҳаж сафаридан қайтаётган юртдошларини Ватанига олиб қайтди.*

* * *

☑ *Исроил армияси ва полицияси террорчилик ташкилотлари билан ҳамкорликда шубҳаланган 400 дан зиёд фаластинликларни кейинги ойда қамоққа олди.*

ГЕРМАНИЯДА ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ КУНЛАРИ БОШЛАНДИ

(БОНН. 28 апрель. «Ўзбекистон овози» махсус мухбири А. ЗИЁЕВ хабар қилади).

28 апрель куни Германия пойтахти Боннда Ўзбекистон маданияти кунлари билан боғлиқ тадбирлар бошланди. Ушбу сатрлар ёзилаётган дамда, Бонн вақти билан соат 10.00 да Конрад Аденауэр жамғармаси биносида «Амир Темур ва унинг тарихдаги роли» мавзусида ўзбек ва немис олимларининг анжумани ўз ишини давом эттирмоқда. Куннинг иккинчи ярмида Бетхофенхалле концерт залида «XXI аср бўсағасида рассомчилик ва ҳайкалтарошлик» кўргазмаси, сўнгра Германияда Ўзбекистон маданияти кунлари муносабати билан ўзбек санъаткорларининг чиқишлари кўзда тутилмоқда.

Умуман олганда, тўрт кун давом этадиган тадбирлар дастуридан «Берлин ҳамкорлари» ташкилотида «Туризмни рағбатлантириш», Берлин илмий ҳайъатида эса «Ўзбекистон фани тараққиётининг янги йўллари» мавзуида давра суҳбатлари ўтказиш, Бонн ва Берлин шаҳарларидаги тарихий-маданий қадамжоларга ташриф буюриш каби тадбирлар жой олган.

ТЕННИС БАЙРАМИГА ШАЙЛАНИБ

Юртимизда спортнинг теннис турига қизиқиш ортиб бормоқда. Бу бежиз эмас. Боиси, кичик тўп билан муомалада бўлиш тараққий этган мамлакатларда маданият тимсоли саналади. Юксак тараққиётни кўзлаб, ҳуқуқий деморатик буюк давлатни қуриш йўлида саъй-ҳаракат қилинаётган мамлакатимизда ҳам спортнинг айнан теннис турига катта эътибор қилинаётгани шундан. Халқаро талабларга жавоб берадиган «Юнусобод» теннис саройи, «Динамо» теннис мажмуини бунёдга келтирилгани кичик тўп ошуфталари сафини кенгайтиришга сабаб бўлмоқда. Халқаро мусобақалар ташкил этилаётгани, «Президент кубоги» учун анъанавий мусобақанинг нуфузи ошиб бораётгани ҳам сир эмас.

Юртимизда яна бир мусобақага асос солинган. У ҳам бўлса «Ҳавас» республика теннис турниридир. Асосан раҳбар ходимлар, ҳокимлар ва уларнинг ўринбосарлари ўртасида бўлтур илк марта уюштирилган мусобақа кўпчиликни ром этганди. Мақсад — саломатликни мустаҳкамлаш, оммавийликни таъминлаш йўлида ибрат кўрсатиш эди. Шундай ҳам бўлмоқда. Илгари вилоят марказларида халқаро баҳслар у ёқда турсин республика мусобақаларини ташкил этиш учун ҳам шароит етарли эмас эди. Ҳозир барча вилоятларда ажойиб теннис уйингоҳлари бунёд этилганки, спортнинг бу тури билан ошно бўлганлар завқланмоқдалар.

Шу йил 6-8 май кунлари Тошкентда анъанавий «Ҳавас» мусобақаси иккинчи марта ўтказилади. Мусобақага тайёргарлик ва уни ўтказиш ташкилий қўмитаси ўз фаолиятини бошлаб юборган. Мусобақани бу сафар ҳам ташкилий ва тадбирий жиҳатдан юқори савияда бўлиши, мусобақа иштирокчиларига етарли шарт-шароит яратиш учун саъй-ҳаракат қилинмоқда. «Ҳавас»га қизиқиш катта. Биз буни жойларда ўтказилган ўзига хос саралаш мусобақаларида ҳам гувоҳи бўлдик. Хусусан Фарғонада , Гулистонда, Термизда, Наманганда ўтказилган мусобақалар ҳар жиҳатдан намунали ташкил этилди, дейиш мумкин. Бу баҳсларда Фарғона вилояти ҳокимининг ўринбосарлари Ҳ. Ҳайдаров билан К. Салоҳиддинов, Сирдарё вилояти ҳокимининг ўринбосари С. Жабборов ҳамда Гулистон шаҳар ҳокими Қ. Акбаровлар муваффақият қозониб, республика мусобақасига йўлланма олишди. Уйлаймизки, галдаги «Ҳавас» мусобақаси ўзига хос теннис байрамига айланади.

Ҳайдар НОСИРОВ.

БОШЛИҚНИНГ НАФСИ ЎПҚОН БЎЛСА...

Аччиқ, аммо очиқ гаплар

Ўтган йилнинг 8 январь куни «Қува-ун» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамияти омборидан 13 тонна ун юкланган машиналар йўлга чиқди. Шунча миқдордаги биринчи навли ун тўлдирилган қоплар ҳиссадорлик жамиятининг Б. Ботиров раҳбарлик қилаётган фирма дўконига туширилиши ва аҳолига сотилиши керак эди. Аммо ун тўла машиналар дўконга етиб бормади... Орадан икки кун ўтгач, «Қува-ун» омборидан яна 7 тонна 215 килограмм ун ортган машина чиқиб, Б. Ботировнинг фирма дўкони томон йўналди, аммо бу машина ҳам йўлни чапга солди... Фирма дўконидан ўзларига тегишли ни олиш умидида турган юзлаб хонадон бекалари чапак чалиб қолаверишди. 20 тоннадан ортиқ ун эса фирма дўконига кирим қилинмасдан, ун маҳсулотлари тақсимотига алоқаси бўлмаган шахсларга улгуржи равишда пуллаб юборилганди...

Қиғир ишнинг қийиғи қирқ йилдан кейин ҳам чиқади дейишади. «Қува-ун»да содир қилган жиноят эса икки кундан кейиноқ ошкор бўлди. Чунки, 1996 йил 12 январь куни Фарғона вилоят прокуратураси «Қува-ун» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида дон маҳсулотлари сотишни тартибга солишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилишини текширишга киришди. Калаванинг учи тортилганда бу ерда жамият раиси Ғопир Ариповнинг ўзи бош бўлган ҳолда давлат мулкини талон-торож қилиш, ўзлаштириш, камомад келтириш, пора олиш каби иллатлар болалаб кетгани маълум бўлди.

Маълумки, «Қува-ун» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилган ун Фарғона вилоят дон маҳсулотлари ҳиссадорлик уюшмаси томонидан берилган қатъий тақсимот асосида тақсимланиши лозим. Ана ўшанда ун ҳамма жойга бирдай етиб боради, аҳоли дўконлардан унни истаган вақтда ва истаганча харид қилиши мумкин бўлади. Аммо, нафси ҳакалак отган Арипов ва унинг шериклари ушбу ҳолдан шахсий манфаат орттиришда фойдаланиш ниятида турли қиғир усуллар ўйлаб топдилар. Масалан, Арипов ўз мансаб ваколатини суиистеъмол қилиб фуқаролар Б. Ботиров, А. Тошпўлатов, Ш. Маллабоев, И. Соҳибназаровлар ҳамда Қува туманида жойлашган «Воҳиджон» хусусий савдо дўкони, Фарғона шаҳридаги «Қаюм» кичик корхонаси раҳбарлари билан тил бириктиради. Яъни, юқоридаги юридик ва жисмоний шахслар жамиятга бўш қоп топширишади-ю, эвазига ун олишади. Натижада 216045 кило ун мавжуд қоидаларга зид равишда уларга бериб юборилади. Бугина эмас, 1995 йилнинг май ойидан 1996 йилнинг январигача Ариповнинг айби билан фонди бўлмаган ўндан ортиқ хусусий фирма ва корхоналарга 426260 кило ун «сахийлик» билан бериб юборилди.

Юртбошимизнинг «Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни ўз вақтида ўтказилиши учун корхона-ташкилот раҳбарларининг масъулиятини ошириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонида хўжалик юритувчи субъектлар истеъмолчилар ва буюртмачиларга етказиб берилаётган маҳсулот қийматининг камида 15 фоизини олдиндан ўтказиб бермасалар маҳсулот жўнатиш тақиқланиши белгилаб қўйилган.

«Қува-ун» ҳиссадорлик жамиятида эса бу Фармонга ҳам риоя қилинмаган. 1995 йил сентябрь ойининг ўн куни ичида олдиндан жамият ҳисобига бирор тийин ҳам ўтказмаган турли хусусий корхоналарга 66915 кило ун «беблиска» жўнатилган. Албатта, шунча ун чиройли кўзлар ҳурмати учунгина инъом этилиб юборилмаган...

Ғ. Арипов ёлғиз ўзи ютаверса тезда тешиб чиқишини тушунган ва атрофига одам тўплаб, жиноий гуруҳ тузган. У ҳиссадорлик жамияти бош ҳисобчиси Ш. Абдусаидов, тайёр маҳсулотлар омбори мудири Ю. Нишонов, шунингдек оғайнилари Б. Абдураҳмонов, А. Тургуновларни ўз ёнига тортиб, биргаликда «Қува-ун»ни талон-торож қилишга киришган. Бу гуруҳ пул орттириш, давлатга ва жамиятга тегишли мулкни кемириш йўлида ҳар қандай қабиҳлик, ҳийла-найранг, кўзбўямачиликдан тоймаган. 1995 йил ноябрь ойида уюшган гуруҳ аъзоси Б. Абдураҳмонов Тошлоқ туманидаги «Расул» тижорат кичик корхонасининг муҳр ва штампи босилган уч дона ишонч қоғозини қўлга киритиб қолади. Ўша пайтда «Қува-ун»да Қува қандолат фабрикасининг 675 тонна ун олишга фонди бор, аммо, фабрика фонддаги унни тўлиқ олмаган эди. Б. Абдураҳмонов қандолат фабрикаси товаршуноси А. Муродов билан тил бириктиради ва фабриканинг 1995 йилги ун фонди ҳисобидан 30 тонна унни «Расул» тижорат кичик корхонасига бериш ҳақида фабрика раҳбарияти номидан сохта хат уюштиради. Ўз номига ёзилган хатни олгач, Ғ. Арипов «Расул» кичик корхонасига 10 тонна ун ажратиш ҳақида кўрсатма беради. Холбуки, «Қува-ун» билан «Расул» кичик корхонаси ўртасида шартнома тузилмаган, кичик корхона ҳиссадорлик жамиятига ун сўраб мурожаат этмаган, маҳсулот учун умуман ҳақ тўланмаган, энг қизиғи Тошлоқ туманидаги «Расул» тижорат кичик корхонаси... 1995 йил май ойидаёқ ёпиб қўйилган эди! Ушбу фирибгарлик операцияси натижасида жиноий гуруҳ аъзолари 10 тонна унни шахси номаълум кишиларга сотиб 112837 сўмлик ҳиссадорлик жамияти мулкини ўпқонларига уриб юборганлар. Тошлоқдаги «Мафтуна» кичик корхонаси, Қувадаги «Олимжон» фермер хўжаликлари номидан ҳам қалбаки ҳужжатлар расмийлаштирилиб», «Қува-ун» ҳиссадорлик жамиятининг 77895 килограмм уни сотилиб, тушган маблағни Ғ. Арипов шериклари билан ўзлаштириб юборган.

Айни пайтда ҳиссадорлик жамиятидаги иш юритиш, ташкилотчилик масалалари ҳам ўлда-жўлда ҳал этилаверган. 1995 йил март ойидан бошлаб 97 нафар одам ҳиссадорлик жамияти фирма дўконлари сотувчилари этиб ишга қабул қилинган. Аммо ҳиссадорлик жамиятида фирма дўконларини ташкил этиш, сотувчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгиловчи қоида ёки низом ишлаб чиқилмаган. Бу дўконлар устидан умуман назорат юритилмаган. Оқибатда айрим қўли эгри сотувчилар томонидан ҳиссадорлик жамиятининг 624800 сўмлик ун маҳсулотлари ўзлаштирилиб, талон-торож қилинган.

Бошлиқ қаллоб бўлган корхонада бундай мисолларни яна келтириш мумкин.

Ғ. Арипов бошчилигидаги жиноий гуруҳ «Қува-ун»нинг 880516 сўмлик мулкини шу тариқа талон-торож қилиб юборди. Раҳбар кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш жуда масъулиятли иш. Зеро, Ғ. Ариповга ўхшаган, мансаб курсисига фақат шахсий бойлик орттиришни ўйлаб ўтирган раҳбарлар мустақил мамлакатимиз тараққиёти йўлидаги тўғаноқлардир.

Юнус АБДУЛЛАЕВ,
Фарғона вилоят прокурорининг ўринбосари, адлия катта маслаҳатчиси.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

АХБОРОТ ОЛИШ КАФОЛАТЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун ҳар кимнинг ахборотни эркин ва монеликсиз излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ҳамда тарқатишга доир конституциявий ҳуқуқини амалга ошириш жараёнида юзага келадиган муносабатларни тартибга солади.

2-модда. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисидаги қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси Конституциясидан, ушбу Қонундан ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборат.

Қорақалпоғистон Республикасида ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

3-модда. Ахборот олиш кафолатлари

Ҳар бир фуқаронинг ахборот олиш ҳуқуқи кафолатланади.

Ҳар кимнинг ахборотни излаш, олиш, тадқиқ этиш, узатиш ва тарқатиш ҳуқуқи давлат томонидан ҳимоя қилинади.

4-модда. Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари

Ахборот олиш эркинлигининг асосий принциплари ахборотнинг ошкоралиги, ҳамма олиши мумкинлиги, очиқлиги ва ҳаққонийлигидан иборатдир.

5-модда. Ахборот олишга доир сўров

Ҳар ким ахборот олишни сўраб бевосита ўзи ёхуд қонуний вакиллари орқали мурожаат этиш ҳуқуқига эга.

6-модда. Сўровнинг шакллари ва уни қараб чиқиш муддатлари

Ахборот олишга доир сўров ёзма ёки оғзаки шаклда ифодаланиши мумкин.

Ёзма сўровда мурожаат этувчининг исми, отасининг исми, фамилияси, манзили, сўралаётган ахборотнинг номи ёки хусусияти кўрсатилади.

Ёзма сўровлар рўйхатдан ўтказилиши шарт.

Сўровга иложи борича қисқа муддатда, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳол назарда тутилган бўлмаса, сўров олинган санадан бошлаб ўттиз кундан кечиктирмай жавоб қайтарилиши керак.

Оғзаки сўровга, имкониятга қараб, дарҳол жавоб берилиши шарт.

Агар сўров тушган орган ёки мансабдор шахс сўралаётган ахборотга эга бўлмаса, мурожаат этувчига бу ҳақда сўров олинган санадан бошлаб етти кундан кечиктирмай маълум қилиши, шунингдек, имкониятга қараб, унга бундай ахборотга эга бўлган органнинг ёки мансабдор шахснинг номини маълум қилиши шарт.

7-модда. Ахборот олишни таъминлаш

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар ҳар кимга ўзининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор бўлган ҳужжатлар, қарорлар ва бошқа материаллар билан танишиб чиқиш имкониятини яратиб беришга мажбурдир. Ахборот олиш имконияти тегишли материалларни эълон қилиш ва тарқатиш йўли билан таъминланади.

8-модда. Ахборот бериш ва унга ҳақ тўлаш

Мурожаат этувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларига дахлдор ахборот унинг сўровига биноан текинга берилади.

Бошқа ахборотни берганлик учун томонларнинг келишувига мувофиқ ҳақ олиниши мумкин.

9-модда. Тақдим этилиши мумкин бўлмаган ахборот

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслар давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирдан иборат ахборотни беришлари мумкин эмас.

10-модда. Ахборот манбаини ошкор этмаслик

Оммавий ахборот воситалари ахборот манбаини ва тахаллусини қўйган муаллифнинг кимлигини унинг розилигисиз ошкор этишга ҳақли эмас. Ахборот манбаи ёки муаллифнинг кимлиги фақат суд қарори билан ошкор этилади.

11-модда. Ахборотнинг тўғрилиги учун жавобгарлик

Оммавий ахборот воситалари эълон қилинаётган ахборотнинг тўғрилигини текшириб кўришлари шарт ва улар ахборот берувчи билан биргаликда унинг тўғрилиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

12-модда. Шикоят қилиш ҳуқуқи

Давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, жамоат бирлашмаларининг, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларнинг фуқароларнинг ахборот олишга доир ҳуқуқларини камситувчи хатти-ҳаракатлари ёки ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиниши мумкин.

13-модда. Ахборот олиш ҳуқуқини бузганлик учун жавобгарлик

Ахборот олиш ҳуқуқининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортиладилар.

14-модда. Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги соҳасидаги халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

«АХБОРОТ ОЛИШ КАФОЛАТЛАРИ ВА ЭРКИНЛИГИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 апрель.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЖУРНАЛИСТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

1-модда. Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонун журналистнинг журналистлик фаолияти билан боғлиқ ҳолда юзага келадиган муносабатларни тартибга солади, унинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини белгилайди, унга ҳуқуқий ва ижтимоий кафолатлар беради, журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик чораларини белгилайди.

2-модда. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси, ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Қорақалпоғистон Республикасида журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатлар Қорақалпоғистон Республикасининг қонун ҳужжатлари билан ҳам тартибга солинади.

3-модда. Журналист

Журналист -- Ўзбекистон Республикасининг ёки хорижий давлатнинг оммавий ахборот воситаларида хизмат қиладиган ёхуд уларда шартнома асосида ишлайдиган ва маълум мавзудаги ахборотни тўплаш, таҳлил этиш ҳамда тарқатиш билан шуғулланувчи шахсдир.

4-модда. Цензурага йўл қўйилмаслиги

Ўзбекистон Республикасида цензурага йўл қўйилмайди.

Журналистдан хабарлар ва материалларни олдиндан келишиб олишини, шунингдек, материал ёхуд хабарнинг матнини ўзгартиришни ёхуд уларни бутунлай нашрдан олиб қолишни (эфирга бермасликни) талаб қилишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

5-модда. Журналистнинг ҳуқуқлари

Журналист ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида:

ахборот тўплаш, уни таҳлил этиш ва тарқатиш;

ахборот олиш учун давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларга мурожаат этиш;

давлат сири ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни истисно этган ҳолда ҳужжатлар, материаллар ва ахборотдан фойдалана олиш;

журналист текшируви ўтказиш;

ўзи тайёрлаган хабарлар ва материалларни оммавий ахборот воситалари орқали имзосини ёки тахаллусини қўйиб тарқатиш, уларда ўз фикр-мулоҳазасини ифодалаш;

журналистлик фаолиятини амалга ошириш юзасидан мансабдор шахс қабулида бўлиш;

маълумотларни белгиланган тартибда ёзиб олиш, шу жумладан зарур техника воситаларидан фойдаланган ҳолда ёзиб олиш;

судларнинг очиқ мажлисларида, ҳарбий ҳаракатлар майдонларида, табиий офат юз берган ҳудудларда, оммавий тадбирларда ҳозир бўлиш;

эълон қилишга тайёрланган маълумотларни текшириш учун мутахассисларга мурожаат қилиш;

башарти, Қонунни бузишга олиб келадиган бўлса, оммавий ахборот воситаси томонидан берилган топшириқни бажаришни рад этиш;

ўзи тайёрлаган хабар ёки материалнинг мазмуни тахрир жараёнида бузилган деган фикрга келса, унга имзо қўймаслик ёхуд уни нашрдан олиб қолишни (эфирга бермасликни) талаб этиш;

ахборот манбаи ёки муаллифнинг номи сир сақланишини талаб қилиш;

тақдим этган хабарининг мазмунини оммавий ахборот воситаси бузиб эълон қилиши оқибатида ўзига етказилган маънавий зарар ва моддий зиён қопланишини суд орқали талаб қилиш;

жамоат бирлашмаларига, шу жумладан журналистларнинг халқаро ташкилотларига кириш ҳуқуқларига эга.

Журналист ўзига қонун ҳужжатлари билан берилган бошқа ҳуқуқлардан ҳам фойдаланади.

6-модда. Журналистнинг мажбуриятлари

Ўз касбига доир фаолиятни амалга ошириш чоғида журналист:

қонун ҳужжатлари ҳамда Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари талабларига риоя этиши;

ўзи тайёрлаётган материалларининг тўғри ёки нотўғри эканлигини текшириши ва холис ахборот тақдим этиши;

айбсизлик презумпцияси принципига амал қилиши;

шахснинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиши шарт.

Журналист ўз касбига доир ахборотдан шахсий мақсадларда фойдаланиши, ахборот манбаи ёки муаллиф розилигисиз жисмоний шахснинг шахсий ҳаётига тааллуқли маълумотларни эълон қилиши, шунингдек аудио ва видео ёзиш воситаларидан фойдаланиши мумкин эмас;

журналист қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа мажбуриятларни ҳам бажариши шарт.

7-модда. Журналистика соҳасининг сири

Фуқаролар ёки бошқа ахборот манбалари томонидан ихтиёрий равишда маълум қилинган махфий хабар, шунингдек факт ёки воқеалар журналистика соҳасининг сири ҳисобланади.

Журналистнинг журналистика соҳасининг сири ҳисобланадиган маълумотларни бу маълумотлар манбаининг розилигисиз ошкор этиши, шунингдек улардан ўзининг ғаразли манфаатлари ёки учинчи шахсларнинг манфаатларини кўзлаб фойдаланиши таъқиқланади.

8-модда. Журналистнинг дахлсизлиги

Журналист журналистлик фаолиятини амалга ошириш чоғида шахс дахлсизлиги кафолатидан фойдаланади.

Танқидий материаллар эълон қилганлиги учун журналистни таъқиб қилишга йўл қўйилмайди.

9-модда. Журналист текшируви

Журналист ахборот тўплаш ва текширув ўтказиш ҳуқуқига эга.

Журналист ўз текширувларининг натижаларини оммавий ахборот воситалари орқали тарқатишга, уларни давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахсларга ихтиёрий равишда тақдим этиши мумкин. Журналист текшируви даврида у қўлга киритган материаллар ва ҳужжатлар олиб қўйилиши ёки кўздан кечирилиши мумкин эмас.

10-модда. Журналистнинг касбига доир фаолияти кафолатлари

Журналистнинг ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қиммати Қонун билан қўриқланади.

Давлат журналистга ахборотни эркин олиши ва тарқатишини кафолатлайди, ўз касбига доир фаолиятни амалга оширишида унинг ҳимоя қилинишини таъминлайди.

Журналистнинг журналистлик фаолиятига аралашиш, ундан ўз касбига доир вазифаларни бажариш чоғида олган бирор бир маълумотни талаб этиш таъқиқланади.

11-модда. Журналистни аккредитация қилиш

Журналист давлат органи ёки жамоат бирлашмасида аккредитация қилиниши мумкин.

Журналистлар аккредитация қилинган давлат органлари ва жамоат бирлашмалари ўтказиладиган тадбирлар тўғрисида журналистга олдиндан маълум қилишлари ва зарур ҳужжатлар ҳамда материалларни тақдим этишлари шарт.

Ўзбекистон Республикасининг журналисти хорижий давлатда аккредитация қилиниши мумкин.

Чет эл журналисти Ўзбекистон Республикасининг Ташқи ишлар вазирлиги билан келишилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилиниши мумкин.

12-модда. Ўзбекистон Республикаси журналистининг чет элдаги ва чет эл журналистининг Ўзбекистон Республикасидаги фаолияти

Ўзбекистон Республикасининг журналисти чет элда журналистлик фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг ва ўзи аккредитация қилинган мамлакатнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида аккредитация қилинган чет эл журналисти ахборот тўплаш ва тарқатишда Ўзбекистон Республикаси журналисти билан тенг ҳуқуқларга эга.

Чет эл журналисти Ўзбекистон Республикаси ҳудудида журналистик фаолиятини амалга ошириш чоғида Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига риоя этиши шарт.

13-модда. Чет эл журналисти аккредитациясининг бекор қилиниши

Чет эл журналисти ушбу Қонунни, бошқа қонун ҳужжатларини, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари қоидаларини бузган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги унинг аккредитациясини бекор қилиши мумкин.

Чет эл журналисти ўзининг Ўзбекистон Республикасидаги аккредитациясини бекор қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги чиқарган қарор устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқига эга.

14-модда. Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг мансабдор шахслари:

цензура қилганлик,

журналист ўз касбига доир қонуний фаолиятни амалга оширишига аккредитация қилишни асоссиз равишда рад этиш ёки аккредитацияни ноўрин бекор қилиш йўли билан тўсқинлик қилганлик;

журналистнинг сўров билан мурожаат қилиш ва зарур ахборотни олиш ҳуқуқини бузганлик;

журналистга тазйиқ ўтказганлик, унинг журналистлик фаолиятига аралашганлик;

журналистнинг материаллари ва зарур техника воситаларини ғайриқонуний равишда олиб қўйганлик;

ахборот манбаини ёки муаллиф номини унинг розилигисиз ошкор этганлик учун жавобгарликка тортиладилар.

Журналистнинг ушбу Қонунда белгиланган ҳуқуқларини бузганлик, унинг журналистлик касбига доир фаолияти билан боғлиқ ҳолда шаъни ва қадр-қимматини ҳақорат қилганлик, унинг ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулкига таҳдид, зўравонлик ёки тажовуз қилганлик қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

15-модда. Журналистнинг жавобгарлиги

Журналист ўзи тайёрлаётган ва тарқатаётган хабарлар ҳамда материалларнинг ҳаққоний бўлиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгардир.

Журналист расмий хабарларда баён этилган ахборотни тарқатганлик учун жавобгар бўлмайди.

16-модда. Халқаро шартномалар

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида ушбу Қонунда назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И.КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 апрель.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарори

«ЖУРНАЛИСТЛИК ФАОЛИЯТИНИ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИ АМАЛГА КИРИТИШ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳукумат қарорларини «Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунга мувофиқлаштирсин, вазирликлар ва идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишларини ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 24 апрель.

ИШОНЧ ПОЙДЕВОРЛАРИ

Жамият ва деҳқон

Шу кунларда далага чиқсангиз, кузги ғалласини озиқлантириб, сабзавоту картошкасини экиб қўйиб униб чиққан чигит ниҳолларини парваришлашни бошлаб юборган, пок ният ва эзгу орзулар, ишонч билан меҳнат қилаётган деҳқонларни кўрасиз. Нега ишончлари асосли деяпмиз. Инчунун, бунинг замирида республика ҳукуматининг қишлоқ меҳнаткашларига кўрсатаётган ғам маънодаги ғамхўрликлари ётади. Бунда барча қишлоқ хўжалик корхоналарининг йиллар давомида тўпланиб қолган қарзлари тўловининг кечиктирилиши, давлат буюртмасига тўланадиган умумий пул миқдорининг фьючер шартномаси асосида 90 фоиз аванс тўлов, жумладан, унинг катта қисми бевосита иш ҳақи қилиб берилиши, унгача экиш мавсумини тез ва соз ўтказиш мақсадида сифатли уруғ, янги сеялкалар, йиллик норманинг энг ками 60 фоизи минерал ўғитлар, ёнилғи-мойлаш материаллари билан узлуксиз таъминлашга эришилиши каби кўплаб хайрли ишларни қайд этиш мумкин. Ахир, шу йилнинг ўзида 200 минг гектардан ошиқ майдонга плёнка остига барака уруғи қадаляпти.

Хизмат юзасидан яқинда Наманган вилоятидан келган икки киши билан учрашиб қолдик. Уларни Тошкентга бошлаб келган муаммолари тўғрисида, бир ечимга келгандан сўнг, қишлоқдаги бугунги ҳаёт, турмуш тўғрисида гаплашдик. Бири етмиш, иккинчиси эллик ёшлар атрофида бўлган бу одамларнинг қўллари, гапу фикрлари бир умр далада меҳнат қилиб ҳалол нонини деҳқончилик билан топаётганлигини кўрсатиб турарди. Озгина ҳақиқатдан ҳоли бўлмаган, лекин кўпроқ бугунги кунда турмуш тўғрисида суҳбатларнинг бошидаги «қишлоқда яшаш сал қийин бўлиб қолди» деган умумий гаплардан сўнг, бевосита отахоннинг оиласи, яшаш тарзи билан қизиқдим. «Қанча томорқангиз бор?» деган саволимга бирдан юзлари ёришиб, «15 сотих» деб жавоб бердилар. Орқасидан то 1989 йилгача, 8 сотихли ҳовлида, (шундан 4 сотихини иморат эгаллаган) 4 та рўзғор, 25 дан ошиқ жон сиқилиб яшаганлигини, кейин юртбошимиз Фармони билан алоҳида рўзғори бўлган ҳамма ўғилларига томорқа ажратилганини айтди.

«Ота мана ҳозир баҳор, томорқага бирон нарса экдингизми?» — деган саволимга «Албатта» деган жавоб олдим. «Энди бироз дангасалар ёки вақти камроқ одамлар, кузги ғалла сепишган. Мен яқинда эртаки картошка экдим». «Плёнка остигами?» «Йўқ, устига бироз гўнг сепдим, холос. Плёнка қиммат» деб жавоб берди. Бешариқ тумани «Оқтовуқ» қишлоғида яшовчи Эргашали ота Исомиддинов 20 сотих томорқасидан 1996 йили 153 минг сўм, ўзларини таништиришга ҳам тортинган яна бир отахон 10 сотих томорқадан 57 минг сўм даромад олганликларини гапириб беришганди. Агар ўтган йили Фарғона вилоятидаги кўплаб жамоа хўжаликларида ўртача 1 гектар ердан олинган даромад 60 минг сўм атрофида бўлган бўлса, томорқачиларники ўртача 350-380 минг сўмни ташкил қилмоқда ва бу кўрсаткич ҳатто янги прогрессив хўжалик юритиш шакли — фермерларникидан ҳам анча юқори бўлган. Ҳеч қандай алоҳида техника билан ёки бошқа сервис хизматлари ёрдамисиз шунча катта даромад олишаётган томорқачилар, рағбатлантирувчи давлат солиқ сиёсати туфайли, фақат арзимаган ер солиғи тўлашади, холос.

Шу ўринда, анчадан бери миямда чарх уриб юрган бир гапни айтдим. Ҳали СССР деган империя тарқамасдан туриб, мулкнинг давлат ва жамоа шаклидан ташқари ҳеч қайсини сингдиролмайдиган «КПСС» деб аталмиш юҳо ҳаётлигида, юртбошимиз И. Каримовнинг бир неча юз минглаб ҳосилдор, сувли ерларни шахсий томорқаларга бўлиб бериши, катта фуқаролик жасорати ҳамда шу заҳматкаш халқ фарзандининг узоқ йиллар давомидаги таҳқирланишга дастлабки интиқоми бўлган, десак асло хато бўлмаса керак. Натижада, «Ер деҳқонларга!» деб кўкрагига урган тузумнинг қарийб етмиш йиллик умри давомида бор-йўғи 257 минг гектар ер томорқага берилган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 1989 йил 15 августдаги 258-сонли қарори ва Президентимизнинг 1991 йил 11 январдаги 124-Ф сонли Фармонига мувофиқ қисқа муддат, иккиуч йилда янгидан 342,7 минг гектар ёки олдингидан қарийб 1,4 баравар кўп ер аҳолига бўлиб берилган. Ер билан бевосита мулоқот қилиш имконига эга бўлган оилалар сони ҳам 2 миллион 516 мингдан 3 миллион 873 мингтага, ўртача бир томорқа майдони 10 сотихдан 15 сотихга етди, яъни, шахсий томорқа эгаларининг сони ҳам, уларнинг томорқа майдонлари ҳам 1,5 мартадан кўпроққа ўсди. Шунингдек, кейинги йилларда қўшимча яна 50 минг гектардан ортиқ унумдор ерларнинг томорқага бўлиб берилиши мақсадга мувофиқ иш бўлди. Бунда юртбошимиз ғоят катта кўламлилик, сезгирлик ва олисни кўра билиш қобилиятларини намойиш қилдилар.

Шу ўринда Президентимиз И. Каримовнинг 1997 йил 18 март куни эълон қилинган «Шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларини давлат йўли билан қўллаб-қувватлаш ҳамда мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашда уларнинг ролини кучайтириш борасидаги чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига алоҳида тўхталиб ўтишни лозим деб ўйлайман. Фармонга кўра, томорқаларнинг умумий майдонларини янада ошира бориб ўртача бир томорқа ўлчови сувли ерларда 0,25 гектардан 0.35 гектаргача, лалми ерларда 0.5 гектардан 1 гектаргача етказилиши кўзда тутилган. Энг муҳими, тақдир ҳукмига ташлаб қўйилган, лекин қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида ғоят муҳим ва халқимиз хусусиятларидан келиб чиқиб, истиқболли хўжалик юритиш шаклида зарур тартиб ўрнатиш, барча бўғинларда уларнинг уюшмаларини ташкил этиш, керакли ашёвий ва молиявий ёрдам кўрсатишни ташкил қилиш соҳада кескин олға силжиш имконини яратади. Ўзингиз ўйлаб кўринг, узоқ келажакда эмас, шу йилнинг ўзида шахсий ёрдамчи хўжаликларга сара уруғ, минерал ўғит, минитехника ва бошқа сервис хизматлари кўрсатишни ташкил этиш, молиявий ёрдам сифатида 500 млн. сўм (!!!) маблағ ажратиш халқимиз (жумладан, шаҳарлик ер эгаларининг ҳам) юрагидаги пок ниятларини амалга ошириш, ҳалол меҳнатлари эвазига даромад топиш ва ўз оила бюджетларини сезиларли ўстириш билан бирга аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашдек муҳим умумдавлат вазифасини бажаришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиш имкониятига эга бўладилар.

Гап шу ерга келганда, суҳбатдошларим «балли» дея гапимни қизғин маъқуллашди. Кейин гапни яна шахсий томорқа ерларидан фойдаланиш самарадорлигига бурдим. Фарғоналик ва қолаверса, наманганлик минглаб деҳқонлар тажрибасидан келиб чиқиб, агар ўша картошкани ва бошқа ҳар қандай экинни ҳам плёнка остига экдингиз, ҳосил ғоят эрта пишишини , уни қиммат нархларда сотиш билан бирга, иккинчи ва ҳатто учинчи ҳосил олиш учун ер бўшашини айтдим. Отахон яна «плёнка қиммат» деган жавобни қайтарди. Шунда 1 метр эни 1.5 метрлик икки қаватли (3 кв. метр) плёнка ўртача 30-35 сўм туришини, бу пулни эса сигарет чекадиган ўғил бир кунда чекиб қўйишини ёки қишнинг узоқ тунларида чойхонада ароқ ёки винога бундан кўпроқ, лекин ғирт самарасиз пуллар совурилиши мумкинлигини айтганимда, отахон «очиғи гап плёнка нархидамас, балки ҳафсаласизлик, лоқайдлик ва энг ёмони, ҳали ҳам кўпчиликнинг боқимандалик кайфиятидалигида», — дея тан берди. — «Битта деҳқончиликми, қиламан деса бундан бошқа ҳам минг хил йўл очилади. Меҳнат қилиб даромад топишнинг кўплаб имкониятлари бўлгани ҳолда, кекса отасининг пенсияси ёки онасининг болалар нафақасини пойлаб юрадиган ёшлар ҳам йўқ эмас», — деган гапларни айтиб бошини чайқади.

Хўш, сизлар яшаётган жойдаги жамоа хўжалигининг аҳволи қандай?» деган савол билан иккинчи суҳбатдошимни гапга чорладим. — «Колхоз» чарчаган, иш ҳақини ўз вақтида беролмайди. Мана, масалан, ўтган йили топширган пилламнинг пулини ҳали ололганим йўқ. Раислар кейинги икки йилда уч марта алмашди. Ҳар янги раис ўз билганича иш юритади», — деди. Суҳбат давомида, мен даврадошимдан пилла боқишдан олдин бирон-бир шартнома тузганмисиз? — десам, дарҳақиқат, аллақандай қоғозларга қўл қўйган (!!!)лигини айтди. Раислар хусусида, лоақал бир йилда бир бўладиган йиллик ҳисобот йиғилишида, номига эмас, ҳақиқий ҳисобот талаб қилинганми, жамоа хўжалиги аъзоларидан вакиллар сайланиб бухгалтерия, касса фаолияти ўрганилганми каби саволларнинг барчасига «йўқ» жавобини олдим. Шунда бирданига яқиндагина нашрдан чиқарилган «Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик Кодекси» эсимга тушди ва суҳбатдошларимга қўлимдан келганича тушунтира бошладим. Бундан буён пилла боқасизми, бошқа иш қиласизми маҳсулотингизни аниқ сотиб оладиган жой билан шартнома тузиш, уни икки томонлама тасдиқлаб, ҳатто суғурта ҳам қилиш зарур. Башарти шартномада кўрсатилган бирон-бир мажбурият ҳамкорингиз томонидан бажарилмаса, масалан, пиллани сиздан олган жамоа хўжалиги ёки пилла тайёрлаш идораси ўз вақтида пулни тўламаса, ўзингизни овора қилиб «у ёққа, бу ёққа» чопиб юрманг, хўжалик судига беринг. Ҳаққингизни ундириб беради. Шу ўринда яқиндагина хўжалик судлари фаолиятидаги муҳим бир ўзгариш, яъни олдин даъво суммасидан судларга 10 фоиз олинган бўлса, энди 1 фоизгина чегириб қолинишини айтдим.

Суҳбатдошларим бироз муддат чуқур ўйга толишди. Кейин бараварига бошларини кўтариб, бояги китоб сотилаётган дўкон манзилини сўраб, самимий хайрлашишди. Ҳуқуқий ва иқтисодий эркинлик уйғонаётгани илойим рост бўлсин, азиз Ватандошим!

Аъзамхон БАҲРОМОВ.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

ҚИНҒИР ИШНИНГ ҚИЙИҒИ...

Маълумки, жаҳон матбуоти икки йилдан бери қидирувда бўлган Москва шаҳар ҳокимининг собиқ ўринбосари, Россия Давлат Думасининг собиқ депутати Сергей Станкевичнинг яқинда Польша полицияси ҳибсга олганини хабар қилганди. Эндиликда порахўрликда айбланаётган Станкевични Москва томони ўзига қайтариб олиш пайида Польша Адлия вазирлигига мурожаат қилди.

Дарвоқе, Станкевични нима сабабдан порахўрликда айблашмоқда, деган савол туғилиши мумкин. Россия матбуотининг ёзишича, С. Станкевич Москва шаҳар ҳокимининг ўринбосари лавозимида ишлаб юрган кезлари «Қизил майдон таклиф этади» театрлаштирилган фестивалини ўтказиш ҳомийларидан 5495 фунт стерлинг пора олган экан. Сергей Борисович ўзига қўйилган бу айбни бундан икки йил бурун ҳам бўйнига олмасдан «Яраттаннинг ва қонун олдида поклиги»ни, юқоридаги суммани «Интертеатр» раҳбари Омари Схадзеда фестивални ўтказиш учун эмас, балки бутунлай бошқа бир фирма — «БМ»дан касал болани даволатиш мақсадида олганлигини айттанди.

Маълум бўлишича, илгари ҳам унинг илтимоси бўйича бошқа бир фирма оғир касал бўлган кишига 80000 доллар берган. Кейинроқ сир ошкор бўлди: бемор кишига фақат 200 долларгина етиб борган. Қолган 78800 доллар қаерга гумдон бўлганини бугунга келиб ҳеч ким билмайди.

«Труд» газетаси ёзадики, Президентнинг собиқ маслаҳатчиси айбдор бўлиш-бўлмаслигидан қатъи назар касал болани эслатади. Уни ушбу газета Россия демократиясининг «касал боласи» деб атайди.

Дарвоқе, Станкевичнинг хизмат пиллапояларидан кўтарилиш тарихига назар солсангиз, Сергей Борисович жуда тез сиёсат оламида ўз ўрнини топиб олганлигининг гувоҳи бўласиз. У 80-йилларнинг охирида Фанлар академиясининг умумжамият тарихи институти илмий ходими бўлган. Кейинчалик эса СССР халқ депутати этиб сайланган. МинтақаларарО депутатлар гуруҳи аъзоси бўлган Сергей Станкевични Сахаров ва Ельциннинг «шогирди» сифатида ўша пайтдаги демократик кучларнинг етакчилари Попов ва Афанасьевлар қаторида тенгма-тенг кўришганини айтмайсизми?

90-йиллар бошларида эса ўзини демократлар сафига урган Станкевич Москва шаҳар Кенгаши раиси лавозимига ўз номзодини қўйган. Лекин ўша пайтда нимадир сабаб бўлиб у Гавриил Попов ҳисобига сайловда номзодини олиб қўйган. Попов бунинг эвазига Станкевични ўзининг биринчи ўринбосари этиб тайинлаган. Эътироф этишларича, айни шу лавозимда Сергей Борисович «илк ишларини» бошлаган.

Инглиз тилини мукаммал билгани учун тез-тез хорижий сафарларга бориб турган. Тез орада у РСФСР Давлат маслаҳатчиси, бироз муддат ўттандан кейин эса Россия Президентининг сиёсий масалалар бўйича маслаҳатчиси лавозимига кўтарилган. Айни чоғда Москва шаҳар Кенгаши раиси ўринбосари лавозимини «иш қўплигидан» топширган. У ўзини ватанпарвар ҳисоблаб, «Держава» газетасини ташкил этмоқчи бўлади. Бироқ, бу лойиҳа касодга учраб, турли митинглар «қаҳрамони» бўлган Станкевич секин-аста сиёсат оламида сояда қолиб кетади.

1995 йилда яна Станкевич номи тилга олина бошланди. ПРЕСС фракцияси томонидан Давлат Думасига депутат этиб сайланган С. Станкевични депутатлик ваколатини бекор қилишларини сўраб Россия бош прокурори вазифасини бажарувчи Илюшенко Давлат Думаси вакилларига уч марта мурожаат қилади. Бироқ, Давлат Думаси уч марта ҳам прокурорга рад жавобини беради. Ўша йилнинг октябрь ойида депутатлик ваколати тугашини билган Станкевич хотини ва қизини олиб билдирмасдан мамлакатни тарк этади. У Россияни ташлаб, аввалига Америкада яшириниб юрди. Кейин соқол қўйиб олиб Польшада пайдо бўлди.

Станкевич ҳақида бугунги кунда Россияда турли фикрлар мавжуд. Собиқ ҳамкасб депутат дўстлари у ҳақда эҳтиёт бўлиб фикр билдирмоқдалар. Москва шаҳар ҳокими ўринбосари Владимир Ресиннинг мулоҳазасига кўра, Президентнинг собиқ ёрдамчисини «қандайдир ифлос ишларга аралаштиришган». Ҳимоядаги кишининг айбсизлигини албатта адвокат оқлашга ҳаракат қилади. Аксинча, Москва шаҳар прокуратураси эса Варшава қамоқхонасида сақланаётган Станкевични тезда Россия томонига топширишларини талаб қилмоқда. Айримлар ҳозирданоқ Станкевич суд мажлисида қандайдир номлар ва далилларни келтириб, амалдаги Россия сиёсий раҳбариятининг бир қисмига зарба етказади, деган фикрни айтишмоқда. Бироқ, бундай бўлиши амримаҳол дегувчилар ҳам кўп. Чунки, Станкевичдаги илгариги маълумотлар бугунги кунда эскириб қолган бўлиши мумкин экан-да.

Ушбу «иш» яқин вақт ичида Россия суди томонидан кўриб чиқилармикин? Бу саволга нисбатан ўз фикрини билдирган Москва шаҳар прокурори Сергей Герасимов Президентнинг собиқ маслаҳатчиси бир ой давомида Россия томонига қайтариб берилиши ҳақида ишонч билдиряпти. Бироқ, Польша Бош вазири В. Чимошевич Станкевичнинг ҳали-вери қайтарилмаслигини айтмоқда.

Очиғини айттанда, кейинги пайтда Россияда хизмат мавқеидан фойдаланиб, мансабини суиистеъмол қилиш, порахўрлик ва коррупция ҳоллари кўплаб учрамоқда. Ҳатто кеча демократман деб кўкрагига ўриб, ўзини халқ манфаати учун курашчи қилиб кўрсатган баъзи амалдорлар ҳам бугунги кунда тап тортмасдан қинғир ишларга қўл урмоқдалар. Қинғир ишнинг қийиғи эса қирқ йилдан кейин ҳам чиқаверади. Бунга Россия демократиясининг «касал боласи» бўлган Сергей Станкевич «фаолияти» исбот эмасмикин?

Аслиддин БОЛИЕВ.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигида

Дунё миқёсида инсоният келажагига катта хавф солаётган муаммолардан бири — гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган жиноятлардир. Бу турдаги жиноятлар сони ва қонунсиз алоқада бўлган гиёҳванд моддалар миқдори Марказий Осиё Республикалари ҳудудида йил сайин кўпайиб бормоқда.

Жиноят олами эса гиёҳванд моддаларни Қирғизистоннинг Ўш вилояти ва Тожикистондан Россия ҳамда Европа давлатларига Ўзбекистон ҳудуди орқали олиб ўтишга ҳаракат қилмоқдалар.

Ўтган 1996 йилда гиёҳванд моддалар билан боғлиқ жиноятларни содир қилганликлари учун 154 нафар Тожикистон Республикаси, 70 нафар Қирғизистон Республикаси фуқаролари Ўзбекистон ҳудудида ушланиб, жиноий жавобгарликка тортилдилар.

1997 йилнинг биринчи чораги якуни бўйича ҳам Қирғизистон Республикаси Ўш вилояти орқали Ўзбекистонга олиб келинаётган гиёҳванд моддалар сони ва миқдори ўтган йилларга нисбатан сезиларли ва салмоқли миқдорда ортиб кетди. Бундан ташқари охирги вақтларда Ўзбекистонга ўқ отар қуроллар ва уларга ишлатиладиган ўқ — дориларни олиб кириш ҳолатлари ҳам мавжуддир.

Республикамиз ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Марказий Осиё бўйича гиёҳвандликка қарши курашни ташкил қилувчи ваколатхонаси - ЮНДКП ходимлари билан ҳамкорликда гиёҳвандликка қарши кураш учун аниқ чора ва тадбирлар белгилаб бормоқдалар.

Халқимиз осойишталигини таъминлаш, гиёҳвандликка қарши кураш бўйича халқаро мажбуриятларимизни бажариш, жиноятчиликнинг олдини олиш мақсадида чегара назорат постларининг ишлари кучайтирилган ҳолатда амалга оширилмоқда.

Биз билан чегарадош бўлган қўшни Қирғизистон Республикаси Ўш вилоятининг маъмурияти ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари раҳбарлари бундай ҳолатларнинг олдини олиш ўрнига бизнинг кўраётган чора-тадбирларимизни аҳоли орасида бошқача талқин қилиб, натижада ўзлари наркобизнес билан шуғулланувчи шахсларга шароит яратиб бермоқдалар.

Жумладан, 24 апрель куни Андижон вилояти Хўжаобод туманидаги давлат автомобиль назорати ва божхона постида Қирғизистон фуқаролари — ака-ука Ҳусан ва Мурод Қулиевлар 10 килограмм гиёҳванд модда бўлган қорадорини Ўш вилоятидан Андижон вилоятига олиб ўтмоқчи бўлганларида қўлга олиндилар.

Суриштирув натижасида улар қўлга олингунга қадар Ўш вилоятидаги бир қанча милиция ва божхона постларидан ҳеч қандай тўсиқсиз ўтганликлари маълум бўлди. Ана шундай ҳолатлар бўйича Қирғизистон Республикаси ва Ўш вилояти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралари раҳбариятига наркобизнес учун шароит яратиб бераётганлиги маълум қилинди.

Республика Ички ишлар вазирлиги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа идоралар билан ҳамкорликда юртимизга бошқа республикалардан наркотик моддаларни кириб келишига мустаҳкам тўсиқ яратиш учун бундан буён ҳам барча чора-тадбирларни кўрадилар.



ЯПОНИЯ МАНЗАРАЛАРИ. ЎзА олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 1997 йил 29 апрелидан бошлаб ҳисоб ва божхона тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:

1 Австралия доллари	46,27	1 Норвегия кронаси	8,43
1 Австрия шиллинги	4,88	1 Польша злотийси	18,86
1 Англия фунт стерлинги	96,89	10 Португалия эскудоси	3,44
10 Бельгия франки	16,65	1 Сингапур доллари	41,26
1 Голландия гульдени	30,55	1000 Туркия лираси	0,44
10 Греция драхмаси	2,17	1 Финляндия маркаси	11,45
1 Дания кронаси	9,02	1 Франция франки	10,19
1 БАА дирхами	16,24	1 Швеция кронаси	7,62
1 АҚШ доллари	59,66	1 Швейцария франки	40,45
1 Миср фунти	17,60	1 ЭКЮ	67,05
1 Ирландия фунти	91,79	10 Жанубий Корея вони	0,67
1 Исландия кронаси	0,84	10 Япония иенаси	4,70
10 Испания песети	4,08	1000 Россия рубли	10,36
100 Италия лираси	3,46	1 Украина гривнаси	32,37
1 Канада доллари	42,71	1000 Беларусь рубли	2,25
1 Хитой юани	7,19	1 Эстония кронаси	4,71
1 Қувайт динори	196,19	1 Латвия лати	102,16
100 Ливан фунти	3,88	1 Литва лити	14,92
1 Малайзия ринггити	23,73	1 Қозоғистон тенгеси	0,79
1 Германия маркаси	34,37	1 Қирғизистон соми	3,38

Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Бобораҳим МАШРАБ

БУХОРОДУР

(МУХАММАС)

Вилоятлар ичида мулки амният Бухородур,
Баҳори раҳмат ичра гавҳари қиммат Бухородур,
Шарифу ҳам латифу афзали мулкат Бухородур,
Ки, то явмул-жазо бенуқсу беофат Бухородур,
Чароки, кони илму тақвию тоат Бухородур.

Маҳи Савм[1] эрди Ҳазрат фажр[2] фарзини адо қилди,
Очиб гесу ҳама асҳобга йиғлаб имо қилди,
Дуога қўл очиб, Тангрига беҳад илтижо қилди,
Дуони хатм этар вақти: «Бухоро!» деб нидо қилди,
Илоҳо, хор қилма лойиқи иззат Бухородур.

Тамом бўлгунча бу маҳ айлар эрди ҳар сабо такрор,
Намози фитр ўқуб, бил, хутба ичра айлади изҳор,
Дедилар баъдазон асҳоблар: Эй Саййиди Мухтор,
Бухоро, деб дуо қилдинг, биза маълум қил асрор?
Деди Ҳазрат: Билинглар, манга хоси уммат Бухородур.

Шаби Меърож кўрдим кўкка ғайродин чиқар уч нур,
Дедим Жибрилга: Бу қайси нурдур, эй ахий, гапур!
Икиси — Ясрибу Батҳо, бири нури Бухородур,
Бу нурдин то қиёмат олами боло эрур маъмур,
Тилим васфига қосир гўйиё Жаннат Бухородур.

Ки-эй хайр ул-башар, шундоғ эшиттим Ҳақ таолодин,
Деди: Пайғамбаре пайдо қилай гулзори Батиҳодин,
Суруб даврин неча йил юз ўгурса фони дунёдин,
Ки, то Маҳшаргача равнақ топар шаръи Бухородин,
Бу нур андин чиқарким, маъдани раҳмат Бухородур.

Эшитиб бир неча асҳоб бўлди ул замон ғамгин,
Дедилар: бўлсак эрдук кош бизларам Бухородин,
Деди Ҳазрат: еманг ғам, ким илмли бўлса, ул мандин,
Дуойи Мустафога эл ҳама айтур эди: — «Омин!»
Ҳамиша нури Пайғамбарга ҳамсуҳбат Бухородур.

Бухорога кими шоҳ ўлса дерлар сояйи субҳон,
Бу боисдан ўқурлар хутба ичра ҳазрати Султон,
Илоҳо, ёғий бўлса ким, ани қил ер била яксон!
Бухоро лашкари соҳибзафар ҳар ерда бенуқсон,
Нечунким, посбони мазҳаби миллат Бухородур.

Эрур олимлари ҳар қайсиси фарзанди Пайғамбар,
Шаҳи нойиб эрур, мисли Алидек илгида ханжар,
Киме чиқса бу йўлдин тийғ уруб, изҳори дин айлар,
Илоҳо, ҳомий бўлсун шоҳга автоду[3] Чилтанлар,
Мадина янглиғ мунга тахти по ҳашмат Бухородур.

Биҳамдиллоҳ, бизи бечораларга лутф ёрийдур,
Ҳамиша адли анжоми раъиййат шоҳни коридур,
Адолатдин Бухоро шоҳи Чилтаннинг қаторидур,
Саломат қил балодин, дийну дунёнинг мадоридур,
Туфайли адлидин дар пардайи исмат Бухородур.

1. *Рўза.*
2. *Субҳ (бомдод) намози.*
3. *Дунёнинг тўрт бурчини тутиб турган тўрт авлиё.*

Бухоронинг 2500 йиллигига

Тамоми нусхаву ҳам ер юзинда Фохира номи,
Малаклар олами болога, дерлар, шаҳри исломи,
Масожидлар ибодат вақти Каъбанинг боми,
Бу шаҳр аҳлига доим руҳи Пайғамбар эрур ҳоми,
Чароки, кеча-кундуз пайрави суннат Бухородур.

Киме бу шаҳра сокин бўлди, кўрмас рўйи муҳтоже
Бухородур тамоми балдаларнинг[4] бошию тожи,
Етушмас гирдига минг Каъбатуллоҳдин келан ҳожи,
Бухородур, дедилар, Ҳашрда Жаннатни меърожи,
Ки, ҳавзи Кавсар янглиғ пурнеъмат Бухородур.

Эрур олимлари монандаи маҳ, косиблари кавкаб,
Туруб вақти саҳар, касб айлаюб, ҳосил қилур матлаб,
Деюр обидлар олиб субҳа қўлга дам-бадам: «Ёраб!»
Бу боисдин Намангандин чиқиб, азм айлаюб Машраб,
Ки, ҳар мақсад, талабга жомеъи нисбат Бухородур.

4. *Шаҳарларнинг.*

Нашрга тайёрловчи
Жалолиддин ЮСУПОВ.

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 29-aprel, seshanba № 50 (22.134).

Gazeta 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

Инсон хотираси азиз

БУЮК АДИБ

Нафақат қозоқ, балки бутун Марказий Осиё адабиётининг равнақига улкан ҳисса қўшган аллома ижодкорлардан бири — академик адиб Мухтор Ўмархон ўғли Авезовдир. Унинг ўлмас асарлари билан ажойиб драмалари, адабиётшуносликка оид илмий тадқиқотлари, дунё адабиётидан қилган таржималари қозоқ бадийяти, маънавияти хазинасида алоҳида ўрин эгаллайди.

Адабиёт майдонига 1917 йили 20 ёшида кириб келган Мухтор Авезов, илк бор ўзининг «Энглик-Кебек» номли драматик асари билан қозоқ драматургиясига асос солган эди. Натижада, 20-йилларнинг бошларидаёқ у «Ким айбдор?», «Ҳимоясизнинг куни», «Эскилик қўланкасида», «Кўкёл», «Қарашқараш воқеалари» каби қисса ва ҳикояларини яратиб, қозоқ халқи ҳаётини, хотин-қизларининг оғир аҳволини, турмуш тарзини кенг акс эттирган эди.

Адиб 30-йилларда «Билакка-билак», «Изҳар», «Чотқол» каби бадиий жиҳатдан баркамол ҳикояларини, «Чиниққан авлод», «Олмабоғда», «Кечки оқим» сингари драматик асарларини яратиб, қозоқ насри билан драматургиясини юксакликка кўтарди. Уларда меҳнат кишиларининг тақдири ва иш фаолиятини ўзига хос бўёқларда, ҳаққоний акс эттирди.

Унинг 40-йилларда яратган «Абай», «Номус гвардияси» номли драматик асарлари билан «Тўлаган Тўхтаров» опера либреттоси қозоқ адабиёти тарихида муҳим аҳамият касб этган нодир асарлардан бўлиб қолди. Бу асарлар ўзининг ғоят чуқур мазмуни ва серзавқлиги, ҳаётийлиги, бадиий жиҳатдан баркамоллиги билан ҳам китобхонлар хотирасида узоқ сақланадиган асарлардандир.

Моҳир сўз заргарининг XIX аср иккинчи ярмидаги қозоқ халқи ҳаётининг энциклопедияси бўлмиш тўрт китобдан иборат «Абай йўли» эпопеяси — умумжаҳон адабиёти хазинасида муҳим ўрин эгаллаган баркамол ижод маҳсулидир. Мазкур асарнинг илк нашри 1942 йили «Абай» номи билан, иккинчи китоби 1947 йили «Оқин оға» номи билан китоб мухлисларига ҳавола этилди. Ҳар иккала асар кенг ўқувчилар томонидан қизғин кутиб олинди. Шу асар учун адиб 1949 йили Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Дарҳақиқат, адибнинг «Абай йўли» монументал асари, қозоқ китобхонлари томонидангина эмас, балки чет эллик китобхонлар томонидан ҳам севиб ўқилмоқда. Натижада, не-не талантли адиблар моҳир қалам соҳибининг мазкур асарига қойил қолиб, уни ўзининг устози сифатида тилга ола бошлади. Таниқли француз адиби Л. Арагон: «Абай» романи менинг назаримда XX асрдаги энг буюк асарларнинг биридир», — деса, Чингиз Айтматов: «Мен қозоқманми, қирғизманми? Буни билмоқчи бўлганларга мен Мухтор Авезов ҳақида айтиб бераман. Чунки у ҳар иккала қондош халқимнинг ифтихори», — деган эди.

Машҳур адибнинг «Энглик-Кебек», «Қора кўз», «Қорақипчоқ Қўблонди», «Чегарада», «Кураш», «Абай» каби драматик асарларисиз қозоқ драматургиясининг яратилиши ва тарихий тараққиёт босқичларини тасаввур этиш қийин. Мазкур асарлар шу кунга қадар театр саҳналаридан тушмай, томошабинлар олқишига сазовор бўлиб келмоқда.

Мухтор Авезов ўзининг «Энглик-Кебек» номли драматик асарини 1917 йили Семейдаги семинарияда ўқиб юрганида, талабалик пайтида ёзган. Драмада бир-бирини севган Энглик билан Кебек ўртасидаги соф муҳаббат жуда мароқли тасвирланади. Асарда қозоқ халқининг энг ажойиб урф-одатлари, ёшларнинг асл муҳаббати ўз ифодасини топган.

Мухтор Авезов «Райҳон», «Абай шеърлари» каби кинофильмлар учун сценарийлар ҳам ёзиб, ўзининг беқиёс санъаткор эканлигини яна бир бор намоён этди. У қозоқ адабиёти тарихини мукаммал ўрганиб, ижодкорлар маҳоратидаги ўзига хосликларни кенг тадқиқ этди. Шунинг учун Мухтор оға абайшунослик фанининг асосчиларидан ҳисобланади. Бу борада унинг Абай ижодий фаолияти ҳақидаги ажойиб тадқиқотлари, «Давр ва адабиёт», «Турли йиллар, ўйлар», «Адабиёт тарихи» каби йирик илмий-назарий мақолалардан иборат китоблари, «Шота Руставели мангулиги» «Алишер Навоий», «Пушкинни таржима этишдаги тажрибаларимдан», «Миллий адибларнинг романлари ҳақида», «Қирғиз қаҳрамонлик эпоси «Манас» каби адабиётшуносликка оид мақолаларини ҳам эслаб ўтиш кифоя.

Кези келганда шу нарсани алоҳида тилга олиш керакки, қозоқ китобхонлари Мухтор Авезов таржимасида В. Шекспир, А. Пушкин, Н. Гоголь, Н. Погодин каби жаҳонга машҳур адибларнинг баркамол асарларини ўз она тилларида ўқиш имкониятига мушарраф бўлганлар.

Ана шундай етук носир, машҳур драматург, улкан адабиётшунос олим, моҳир таржимон ўзбек халқини ўз халқи каби севган адиб Мухтор Ўмархон ўғли Авезовнинг бой ва ранг-баранг ижод дурдоналари — умумжаҳон адабиёти хазинасида ўз ўрнини эгаллаган асарлардандир. Унинг ижоди кенг китобхонлар оммасини ўзига маҳлиё этиб, диллардан мангу жой олди. Шунинг учун ҳам адибнинг 100 йиллик таваллуд тўйи ЮНЕСКО томонидан алоҳида улуғланиб, жаҳон халқлари уни ўз адиби сифатида мароқ билан ёд этмоқда.

Қалдибек СЕЙДАНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси қозоқ адабиёти кенгаши раиси, «Нурли жол» рўзномасининг Бош муҳаррири.

ЁШЛАР ФЕСТИВАЛИ

Баҳорнинг ҳар лаҳзаси, ҳар куни байрам. Одамлар қалбида яшнаш, яшариш туйғулари хукмрон. Успенский номидаги республика мусиқа мактаби ёшларининг ҳам қувончлари чексиз. Мактаб жамоаси ҳамда пойтахтдаги хореография билим юрти талабалари, таниқли раққоса Гулнора Жўраева бошчилигидаги ёш раққоса қизлар гуруҳи ҳамкорлигида ўтказилган «Ёшлар фестивали» ҳам шу каби севинчларнинг давоми бўлди.

Озода БЕКМУРОДОВА.

БАСТАКОРНИНГ УЧ СИЙМОСИ

Академик бастакор Юнус Ражабий ҳаёт бўлганларида 100 ёшни нишонлардилар. Маълум бўлишича, у кишининг сиймоси уч марта яратилган экан. Биринчисини рассом Неъмат Қўзибоев 60-йилларда яратиб, юқори баҳо олганди. Иккинчисини эса рассом Миржаъфар Мирзараҳимов бастакорни хаёллар оғушида тасвирлаган. Учинчи сиймони ленинградлик мўйқалам устаси Басканов яратган. Бастакорнинг уч сиймоси мухлисларда ҳозир ҳам ўзига хос завқ уйғотмоқда.

Отабек ХУДОЙҚУЛОВ.

СИРЛИ СУҲБАТ.

Турғунбек МАҲКАМОВ олган сурат.

Спорт

ЮГУРГАН ЕТАР МУРОДГА

Республикамизда спортнинг оммавий югуриш тури ҳам анъанага айланиб бормоқда. Ўтган дам олиш куни Тошкентдаги Олимпия шон-шуҳрати музейининг атрофи ҳар қачонгидан гавжумлашди. Байрамона кайфиятдаги мингдан зиёд югурувчи саф тортди. Уларни республика спорт қўмитаси раиси Б. Махситов муборакбод этиб, ўз саломатликлари йўлида югуришни ният қилганликлари учун мамнуният изҳор этди. Кейин ўтган спорт мавсумида «Энг яхши спортчи» ва «Энг яхши мураббий» номини олган кишиларга мукофотлар топширилди. Улар орасида курашчи Армен Богдасаров, боксчи Карим Тўлаганов, гимнастикачи Оксана Чусовитина, шахматчи Сайдали Йўлдошев, енгил атлетикачи Сергей Воинов, мураббийлардан Владимир Пятаев ва бошқалар бор эди. Мукофотланганлар орасида боксчи Артур Григорян билан футболчи Павел Бугалонинг номи ҳам тилга олинди. Бир гуруҳ фахрийларга эса шаҳар спорт қўмитасининг эсдалик совғалари берилди.

Кейин 300, 500 ва 1000 метрга югуришлар 8 гуруҳга бўлинган ҳолда ташкил этилди. Хиёбонлар бўйлаб, анҳор соҳили ёқалаб югурувчилар манзил сари интилдилар. Ёшларига мувофиқ 203-мактаб ўқитувчиси Баҳром Каримбеков, Бектемир туманидан Иршод Имазитдинов ҳамда 82 ёшли Василий Подгозинлар биринчиликни қўлга киритишди. Ғолибларга республика спорт қўмитаси, «Камолот» жамғармасининг эсдалик буюмлари ва совғалари топширилди.

Бош муҳаррир
Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати
Абдулла ОРИПОВ,
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ,
Азиз НОСИРОВ,
Одилжон ОЛИМЖОНОВ,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Аслиддин БОЛИЕВ
(бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Салим АШУРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Алимқул СУЛТОНОВ
(масъул котиб — «Ўзбекистон овози»),
Виктор ЗВЕРЕВ
(масъул котиб — «Голос Узбекистана»).

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-07-20, 36-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 33-11-49, 36-54-06.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Ҳатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 33-07-20.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 33-47-80.
факс — 33-54-55.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-12-56;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 22-36-78;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир Ҳ. НОСИРОВ, навбатчи М. АҲМЕДОВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматда 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳririят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0211

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ ИНСТИТУТИ

Қуйидаги мутахассисликлар бўйича

Қабул эълон қилади

АСПИРАНТУРАГА:

Иссиқлик двигатели, автомобиль ва тракторлар, йўл қурилиш машиналари, автомобиль транспорти эксплуатацияси, аэродром, автомобиль йўллари қурилиши, кўприклар ва транспорт тонеллари, гидравлика ва муҳандислик гидрологияси, иқтисод, режа (менежмент)

ДОКТОРАНТУРАГА:

Йўл қурилиш материаллари, автотранспорт эксплуатацияси.

Ҳужжатлар эълон чоп этилган кундан бошлаб қабул қилинади.

Танлов имтиҳонлари узлуксиз йил давомида кичик гуруҳларда топширилади.

Қабул тартиб-қоидалари бўйича институтга мурожаат қилишингиз мумкин.

Манзилгоҳимиз: Тошкент шаҳри, Мовароуннаҳр кўчаси, 20-уй, 6-хона.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси

МИКРОБИОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Микроорганизмлар молекуляр биологияси ва генетикаси лабораторияси бўйича бош етакчи илмий ходим (1 ўрин), лавозимига «Биокимё» мутахассислиги бўйича (фан доктори); Физиологик фаол моддаларнинг биокимёси ва биотехнологияси лабораторияси бўйича лаборатория мудирлиги лавозимига (фан доктори ёки фан номзоди);
2 та катта илмий ходим лавозимига (фан номзоди) «Биотехнология» «Микробиология», «Биокимё» мутахассисликлари бўйича

ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Танлов қоидаларига асосланган ҳолда ариза ва ҳужжатлар қуйидаги манзилгоҳга юборилсин:
700128, Тошкент, А. Қодирий кўчаси, 7б- уй.
Танлов муддати эълон чоп этилган кундан бошлаб бир ой давом этади.

Ўзбекистон Маданият ишлари вазирлиги Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази, Ўзбекистон Республикаси давлат цирки бирлашмаси, Фарғона вилояти ва Қўқон шаҳар ҳокимлиги

ШАҲАРНИНГ МУҚИМИЙ НОМЛИ БОҒИДА

1-2 МАЙ КУНЛАРИ

дорбозлар, анъанавий цирк санъати ва ҳаваскор қўғирчоқ театрларининг республика кўрик - фестивали ўтказилади.

3 май куни

кўрик-фестиваль ғолибларининг катта сайли бўлиб ўтади

АЗИЗ МУХЛИСЛАР!

САЙЛИМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ.

Ташкилий қўмита.